

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 6/S
2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/6 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодида Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Мамаражабов Бобир Нормўмин ўғли

САУДИЯ АРАБИСТОНИДАГИ ЎЗБЕК МУҲОЖИРЛАРИ ТАРИХИ: МУВАФФАҚИЯТЛИ
АССИМИЛЯЦИЯ ВА ЙЎҚОТИЛГАН МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК8-17

Хайдаров Абдулходид Ахмадали ўғли

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА БОҒДОРЧИЛИК ВА
ТОМОРҚАЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР 18-22

Назаров Азизбек Ёқубжонович

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАР: ТАРИХШУНОСЛИК
ТАҲЛИЛИ 23-31

Abdulloyev Jamshed Izzatulloevich

MARKAZIY OSIYO MAMLAKATLARIDA CHEGARA VA SUV MUAMMOLARINING VUJUDGA
KELISH ASPEKTLARI VA BUGUNGI RIVOJLANISH BOSQICHI 32-36

Пасилов Баҳодир Абдуллаевич

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ АЙРИМ
МАСАЛАЛАРИ (1917-1937 йй.) 37-41

Ismailov G'afurjon Xasanovich

TURKIYADAGI O'ZBEK TEKKE (TAKIYA)LARIDAN BIRI "SULTONTEPA TEKKESI"
MUSOFIRLAR UCHUN TUTGAN O'RNI 42-46

Raxmatulloev Murodjon Xikmatulloevich

BUXORO VILOYATIDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHGA
OID ISLOHOTLAR 47-50

Elmurodova Nilufar Baxtiyorovna

SHARQ VA G'ARB UYG'ONISH DAVRI MADANIYATI: QIYOSIY TAHLIL 51-55

Нафиддинова Хосият Равшановна

БУХОРО ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР
МАЪЛУМОТЛАР 56-60

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Zhang Hongzhi, Wu Bo

RUMOR RESILIENCE: HOW BUSINESSES ECONOMICALLY RESPOND TO STOCHASTIC RUMOR
SPREAD 61-66

Ibrayimova Dilnoza Abdisheripovna

MINTAQADA OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI ONLINE SAVDO MARKETINGINI
RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI 67-72

Nayimov Shoxruh

PROBLEMS OF FORMATION AND MANAGEMENT OF COLLATERAL PORTFOLIO OF A
COMMERCIAL BANK 73-79

Maxkamov Navruzjon Tuxtamishovich
ISSUES OF APPLICATION OF QUALITY MANAGEMENT IN THE SOCIO-ECONOMIC
DEVELOPMENT OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS FOR THE PURPOSES OF THE
DEVELOPMENT STRATEGY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN 80-88

Рахматуллаев Беҳзод Рахматуллаевич
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҶАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР
МАСАЛАЛАРИ 89-95

Abdullayeva Zamira Muxtarovna
МЕХНАТ ВОЗОРИ ТАЛАБЛАРИГА ОЛИЙ ТА’ЛИМ ХИЗМАТЛАРИ МОДЕЛЛАРИНИ
МОСЛАШТИРИШ 96-102

Имомов Холмурод Норқулович, Шарипов Тўлқин Саидахмедович
ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШИШИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ
ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ 103-114

Эргашев Ахмаджон Махмуджон ўғли
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ РИСКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА
БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 115-122

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Imomova Nozimaxon Avazxonovna
ЖАМИАТ ФАРОВОНЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ О’ЗИГА ХОС ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ 123-129

Qodirov Davronbek Hoshimovich
АВУЛҚОСИМ ҚУШАЙРИЙ ВА УНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ 130-133

Jabborova Saodat Sattorovna
ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МА’НАВИЙ САЛОҲИЯТНИ YUKSALTIRISHDA QO’SHGAN
HISSASI 134-142

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Tuxtasinova Mahliyoixon Shavkatjon qizi
L.Z.BUDAGOV LUG’ATIDA ESKI O’ZBEKCHA SO’ZLARINING EKVIVALENTLAR YORDAMIDA
IZOHLANISHI 143-149

Narmuratov Zayniddin Radjabovich
INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA TA’LIM VA ILM MAZMUNLI FRAZEMALARDA EKVIVALENTLIK
MASALASI 150-154

Urazaliyeva Mavluda Yangiboyevna
UZBEKCORPUS.UZ PLATORMASIDA MORFOLOGIK TAHLIL INTERFEYSI VA DASTURIY
TA’MINOTI 155-160

Mirzayeva Yelena Sa’dullaevna
O’ZBEK MENTALITETI VA AXBOROTNI IDROK ETISH 161-166

Alimjanova Shohsanam Azamat qizi
INGLIZ TILIDAGI KO’P MA’NOLI IBORALARNI O’ZBEK TILIGA TARJIMA QILISH

USULLARI	167-171
<i>Iskandarova Shamsiyabonu Ulug'jonovna</i> BADIIY ADABIYOTDA MUALLIF VA TARIXIY QAHRAMON O'RTASIDAGI G'OYAVIY BOG'LIQLIK MASALASI (Laila Lalaming "Mavrning hisoboti" asari tahlili asosida)	172-176
<i>Hamroqulova Marjona Nabijon qizi</i> "MAHBUB UL-QULUB" ASARIDAGI FRAZEMALARNING SEMANTIK-USLUBIY XUSUSIYATLARI	177-181

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Zulfikorov Sherzod Xurramovich</i> ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИДА ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	182-191
<i>Tallibaev Umiddjon Sherгазиевич</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ К АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРАВОНАРУШЕНИЯ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИИ.	192-199

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Iminakhunova Iroda Huseynovna</i> THE MOST IMPORTANT REQUIREMENTS THAT ENSURE EFFECTIVE PEDAGOGICAL CONTROL OF STUDENTS' SELF-EDUCATIONAL ACTIVITIES	200-206
<i>Usmanaliev Khusniddin</i> INTERCULTURAL COMPETENCE IN THE TEACHING PROCESS OF A FOREIGN LANGUAGE	207-219
<i>Madaminov Uktam Ataxanovich</i> ELEKTRON TA'LIM MUHITIDA FANLARNI MOBIL TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH METODIKASI	220-224
<i>Yuldasheva Dilfuza Qodirovna</i> TURIZM YO'NALISHI TALABALARIGA INGLIZ TILIDA SOHAVIY LEKSIKANI O'RGATISH USULLARI	225-229
<i>Tohirova Shohsanam Yunusovna</i> THE IMPORTANCE OF CASE TECHNOLOGY IN PRACTICAL ENGLISH CLASSES IN NON- PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS	230-236
<i>Nuriddinova Muyassar Muhiddinovna</i> ORGANIZING PHYSICAL EDUCATIONAL EVENTS WITH PRESCHOOL CHILDREN	237-242
<i>Raxmatova Mexrinovna Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHİYATINI YUKSALTIRISHDA INNOVATION TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARINING SAMARADORLIGI	243-247
<i>Sheraliyev Odiljon</i> TALABALARNING DIGITAL KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK- PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	248-254

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Эргашев Ахмаджон Махмуджон ўғли,
Наманган муҳандислик қурилиш институти
Менежмент кафедраси доценти, PhD
E-mail: ahmadjon.ergashev@gmail.com ,

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ РИСКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мазкур мақолада тижорат банклари фаолиятига таъсир этувчи рискларни аниқлаш ва бошқариш методологияси моҳияти ўрганилган, шунингдек банк капиталини шакллантириш билан боғлиқ жараён назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳамда мавжуд асосий тенденциялар аниқланган. Банк рискларини самарали бошқаришга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган ҳамда банк капиталини самарали бошқаришни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Тижорат банки, банк капитали, Базель Қўмитаси, кредит, баҳолаш, банк тизими, тўлов қобилияти, кредит таъминоти, таҳлил, банк назорати, рискларни бошқариш.

Ergashev Ahmadjon Mahmudjon ugli,
Namangan Engineering Construction Institute,
Associate Professor of Management department, PhD

IMPROVING THE METHODOLOGY OF IDENTIFYING AND MANAGEMENT OF RISKS AFFECTING THE ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS

Abstract. In this article, the essence of the methodology of identifying and managing risks affecting the activity of commercial banks is studied, as well as the process related to the formation of bank capital is analyzed from a theoretical and practical point of view, and the existing main trends are identified. Factors affecting the effective management of bank risks were analyzed and scientific proposals and recommendations were developed to improve the effective management of bank capital.

Key words: Commercial bank, bank capital, Basel Committee, credit, assessment, banking system, solvency, credit provision, analysis, banking supervision, risk management.

Эргашев Ахмаджон Махмуджонович,
кандидат экномических наук,
доцент кафедры Менежмент

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ИДЕНТИФИКАЦИИ И УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ, ВЛИЯЮЩИМИ НА ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Аннотация. В данной статье изучена сущность методологии выявления и управления рисками, влияющими на деятельность коммерческих банков, а также с теоретической и практической точки

зрения проанализирован процесс, связанный с формированием банковского капитала, а также существующие основные выявлены тенденции. Проанализированы факторы, влияющие на эффективное управление банковскими рисками, и разработаны научные предложения и рекомендации по совершенствованию эффективного управления банковским капиталом.

Ключевые слова: Коммерческий банк, банковский капитал, Базельский комитет, кредит, оценка, банковская система, платежеспособность, кредитование, анализ, банковский надзор, управление рисками.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I6/SY2023N17>

Кириш. Жаҳон амалиётдан маълумки банкларнинг фаолиятини таҳлил қилишда банк фаолият кўрсатаётган давлатнинг амалдаги қонунчилигини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат ўзининг сиёсий, иқтисодий мақсадларидан келиб чиқиб, пул-кредит сиёсатини қандай олиб бориш кераклигини белгилайди. Бундан ташқари, ушбу йўналишда жаҳон тажрибасини ўрганиш натижасида зарур билим ва тажрибаларни ўзлаштириш лозимлигини талаб этмоқда. Маълумки, ўтган асрнинг 1975 йилларидан бошлаб Европа давлатлари, АҚШ, Канада, Япония каби ривожланган давлатларда халқаро банк назорати стандартларига ўтилишининг зарурлиги фақат молиявий секторда эмас, балки, умуман иқтисодиётда асосий роль ўйнашини тушуниб етдилар. Натижада банк назорати бўйича жаҳонда халқаро ташкилот “Базель қўмитаси” вужудга келди [2]. Ушбу халқаро ташкилот бугунги кунгача тижорат банклари фаолиятини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Бугунги кунда бутун жаҳонда тадқиқотчилар банк капитали етарлиги, Базель Қўмитасининг талаблари бўйича жуда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда давлатларнинг миллий банк тизимининг мавжудлиги, мамлакатлар иқтисодий суверенитетини таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг ўзаро рақобат қилиши натижасида улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати ошишига олиб келади. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни капитал билан таъминлашда тижорат банкларининг ролини ошириш, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш давлатлар пул-кредит сиёсатининг стратегик йўналиши ҳисобланади. Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан, тижорат банклари капиталига таъсир қилувчи риск омилларини аниқлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва самарали бошқариш ҳамда пасайтириш йўллари комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаганлиги мазкур соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида самарали банк тизimini яратиш ва унинг фаолиятини ривожлантириш бўйича халқаро тажрибадан келиб чиқиб, ҳуқуқий база яратилди ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Бу борада тижорат банклари аҳамиятини ошириш ва давлат аралашувини камайтириш бўйича бир қатор амалий ишлар бажарилди. Тижорат банкларининг капитали етарлигини таҳлил қилишнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, банкларнинг бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни молиявий қўллаб қувватлаш ва фойда олиш мақсадида фаолият кўрсатишини ҳисобга олишимиз зарур. Бу эса ўз навбатида тижорат

банкларининг фаолият кўрсатадиган ҳудудлар, соҳаларни ва йўналишларни кенгайтириш масалаларини ҳам таҳлил қилиш кераклигини талаб этади. Натижада банк фаолиятига таъсир этадиган рискларни баҳолаш ва бошқариш мажбуриятини юзага келтиради.

Муҳокама. Тижорат банклари ўз фаолиятини олиб боришда албатта ривожланишнинг стратегик дастурларини ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этади. Бугунги кунда катта таваккалчиликка асосланган иқтисодий муносабатлар шароитида камроқ таваккалчилик оқибатларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ривожланиш стратегиясида ҳамда банк капитали етарлилигини таъминлашда рискларни ҳисобга олиш зарур.



1-расм. Рискларни бошқариш стратегияси¹

1-расмда тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлашда муҳим элемент бўлган рискларни бошқариш алгоритми келтириб ўтилган.

Энди эса рискларни бошқариш учун уларни гуруҳлаб чиқамиз. Бунда умумийликдан хусусийликка ўтиш методидан фойдаланамиз. Чунки ҳар бир рискнинг маълум бир таъсири бўлади, уларнинг аҳамиятини дедукция методи орқали батафсил таҳлил қилишимиз мумкин.

Умумий рисклар қуйидагилардир:

- Кредит rischi;
- Ликвидлилик rischi;
- Акционерлик rischi;
- Бозор rischi (фонд биржалари rischi, фоизли риск, вальюта rischi);
- Операцион риск;
- Фойда ва зарар rischi;

¹ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган.

- Контрагент rischi;
- Суғурта rischi;
- Тижорат банки имиджи ва репутацияси rischi;
- Эмитент rischi;
- Инфляция rischi;
- Сиёсий риск;
- Ижтимоий риск;
- Маъмурий риск;
- Стратегик риск ва бошқа рисклар.

Тижорат банклари фаолиятига таъсир этиши мумкин бўлган кўплаб омиллар ва рисклар мавжуд бўлиб, юқорида асосий рисклар гуруҳи кайд этилди. Ушбу рискларнинг ҳар бирини дедуктив усул орқали баҳолаш ҳамда тижорат банклари учун меъёрий чегараларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Умумий рисклардан қуйидагилари тижорат банкларига тўғридан-тўғри таъсир этади, яъни уларнинг улуши 2% дан юқори бўлса, тижорат банклари фаолиятига тегишли рисклар сифатида гуруҳлаймиз:

- Кредит rischi;
- Ликвидлилик rischi;
- Акционерлик rischi;
- Бозор rischi (фонд биржалари rischi, фоизли риск, вальюта rischi);
- Операцион риск;
- Фойда ва зарар rischi;
- Контрагент rischi;
- Суғурта rischi;
- Тижорат банки имиджи ва репутацияси rischi;
- Эмитент rischi;
- Стратегик риск.

Тижорат банкларига боғлиқ бўлмаган рискларнинг таъсирини баҳолашда бошқариш мумкин бўлган ва бўлмаган рискларга ажратамиз. Рискларнинг таъсирини бошқариш имкони тижорат банкларига тааллуқли бўлмаган рискларнинг умумий рисклардаги улуши 10% дан ошмаслигини белгилаб олишимиз зарур. Тўғридан-тўғри таъсир этувчи рисклар эса ўз навбатида яна гуруҳларга ажратилади ва ҳар бирининг улуши белгиланади. [4]

Агар рискнинг умумий таъсири 3%дан юқори бўладиган бўлса, бундай рисклар тижорат банклари учун аҳамиятли рисклар ҳисобланади ва уларни қуйидагича гуруҳлаймиз:



2-расм. Тижорат банклари учун аҳамиятли бўлган рисклар¹

Рискларни гуруҳлаб чиққанимиздан кейин уларни амалий фаолият жараёнида аниқлаш ҳамда таъсирини баҳолашни таҳлил қиламиз.



3-расм. Бизнес жараёнларнинг иерархик кўринишда тартибга солиниши

Тижорат банклари фаолиятида капитални таҳлил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш учун нафақат рискларни баҳолаш, балки, тижорат фаолиятининг мазмун-моҳиятини тўғри англаш талаб этилади. 3-расмда тижорат банклари фаолиятининг бизнес юритиш нуқтаи-назаридан иерархик равишда 3 та асосий гуруҳга ажратдик. Ушбу гуруҳлаш натижасида ҳосил бўладиган рискларни пайдо бўлиш босқичи ва таъсир этувчи объектини аниқлаш осонлашади. Биз кўриб чиққан рисклар тижорат банкларининг молиявий ҳолатига бевосита ва билвосита таъсир этади. Натижада тижорат банкларининг капиталига маълум миқдорда зарар етиши мумкин. Тижорат банклари капиталини самарали баҳолаш ва бошқариш учун, ҳамда таваккалчиликка асосланган фаолият натижасида етказилган зарарни қоплаш учун капиталнинг ҳам иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, гуруҳлаш орқали таҳлил қилинади.

¹ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган.


Натижалар.Тижорат банкларининг капиталини қуйидаги гуруҳларга ажратилади: ички капитал иқтисодий капитал ва регулятив капиталдан иборат. Капитални бундай гуруҳлаш орқали тижорат банклари капитални етарлилигини баҳолашнинг ички назорат методологияси ишлаб чиқилади.

Тижорат банклари капитални етарлилик нуқтаи назаридан гуруҳланиши		
Ички капитал - қўйилган рисклардан қўйилган зарарни қўйилган учун ва банк фаолиятини олиб бориш учун мўлжалланган капитал	Иқтисодий капитал - вақт бўйича қўйилган ва қўйилмаган рисклардан етарли зарарни қўйилганга ишлатилган капитал	Регулятив капитал - Марказий банк ва Халқаро Базель қўйилган томонидан тижорат банклари етарлиликка ўрнатилган меъёридаги капитал

4-расм. Банк капиталининг гуруҳланиши

Тижорат банклари капитални етарлиликка талаб қўйилиши акционерлар ҳамда банк мижозларини манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, банк фаолияти узлуксизлигини таъминлаш орқали миллий иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун бугунги кунда жаҳон амалиётида қўлланилаётган бир нечта янги усулларни таҳлил қилган ҳолда қуйидаги методологияни тижорат банклари ўз фаолиятларида қўллашни тавсия этамиз:



5-расм. Банк капиталига риск таъсирини баҳолаш усуллари¹

Иқтисодий капитални баҳолашда қўлланиладиган “Going concern” ва “Gone concern” усуллари ёрдамида тижорат банклари капиталига рисклар таъсирини баҳолашда қўлланилади. Халқаро Базель қўйилган талабларини қўллашда тижорат банкларини расмий талаб ёки статистик кўрсаткичлар учунгина ишлашни олдини олиш ҳамда реал иқтисодий таҳдидларнинг таъсирини камайтириш, уларни самарали бошқариш мақсадга мувофиқдир. Унга кўра:

“Going concern” усули – кредит ташкилотлари фаолиятига рисклари таъсир этишини ҳисобга олган ҳолда фаолиятнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида капитални баҳолаш мезонидир. Бунда ишончлилик коэффициенти (confidence level) 90% дан ортиқ бўлиши керак.

“Gone concern” усули – халқаро рейтингларда ишончли рейтинг балларини олиш учун кредит ташкилотлари капиталини баҳолаш усули бўлиб, бунда кредит

¹ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган.

ташкilotлари фаолиятларига таъсир этиши мумкин бўладиган барча турдаги рисклар ҳисобга олинади. Банк капитали етарлилиги ва фаолиятни узлуксизлик принципи асосида таъминлашга эришиш ишончилиги (confidence level) 99,9 % дан кам бўлмаслиги керак[5].

Банклар учун рискларни аниқлаш, уларнинг таъсирини камайтириш бугунги кунда Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банклари капиталидан самарали фойдаланиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бугунги шароитида ушбу мавзунинг долзарблиги янада ортади.

Тижорат банкларида рискларни баҳолаш учун оптимал ечимни излар эканмиз, рискларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи ҳар бир омил кўриб чиқилиши керак. Омилларни ўз навбатида иқтисодий, инсон омили ва кутилмаган бошқа омиллар каби гуруҳларга ажратишимиз мумкин.

Халқаро Базель қўмитасининг стандартларига асосан тижорат банклари рискларни баҳолашнинг ички тизим ва услубларини яратишлари, шунингдек рискларга индивидуал ёндашишлари зарур эканлиги асосланган.

Кредит рискинни мижозлар тоифаси, фаолият тури ҳамда молиявий барқарорлиги каби кўрсаткичларга қараб гуруҳлаш, шунингдек, банк ички кредит рейтингини ишлаб чиқиш, бозор рискинни баҳолаш тизимларини яратиш орқали валюта рискларини бошқариш амалиётини жорий этиш натижасида операцион рискни баҳолашнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш мумкин. Бу эса, жаҳон молия тизимига интеграцияси тобора ошиб бораётган миллий банк тизимимизнинг фаолияти барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Яна шуниси муҳимки, тадқиқот жараёнида таҳлилларнинг ишончилиги ва реаллигини таъминлашда банк тизимида маълумотлар ошкоралиги етарли даражада эмаслиги, банк амалиётдаги кўп ҳолатларнинг статистикаси юритилмаслиги ёки маълумотларнинг ишончли эмаслиги, шунингдек маълумотларнинг даврийлигидаги узилишлар, кўрсаткичларнинг умумийлигидаги узилишлар банк фаолияти истиқболларини таҳлил қилишни бирмунча қийинлаштиришини кўрсатди.

Бинобарин, Базель стандартлари тижорат банклари фаолиятига оид маълумотларнинг ошкоралигини таъминлашга қўйиладиган талабларни кучайтириш йўли билан бозор интизомини рағбатлантириш хусусидаги талаби ҳам республикамизнинг банк назорати тизимига жорий қилиниши лозим. Бунинг асосий сабаби шуки, ушбу талабни бажариш орқали, эълон қилинаётган маълумотлар бозор иштирокчиларига банк фаолиятининг рискка таъсирчанлик даражаси, капитални етарлилиги ва рискларнинг даражаси хусусида хулосалар чиқариш имконини бериши лозим.

Таҳлилларимиз давомида Ўзбекистон Республикасининг йирик тижорат банкларида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳира ажратмалари хажми нисбатан юқори эканлигининг гувоҳи бўлдик. Хусусан, Базель қўмитаси экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банкларининг кредитлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳира ажратмалари миқдори брутто активларга нисбатан 0,5 фоиздан ошмаслиги лозим. Мамлакатимизнинг кўпгина йирик банкларида бу кўрсаткич 1 фоиздан юқоридир.

Тижорат банкларининг кредитлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳиралар банк харажатлари ҳисобига амалга оширилиши сабабли заҳиралар миқдорининг ошиши тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.

Шунингдек, банк фаолиятидаги ходимларнинг ваколатлари ва мажбуриятлари кўламининг кенглиги, нафақат иш юкламаларини ошиши натижасида меҳнат унумдорлиги ва сифатини пасайтирмоқда, балки операцион риск даражасини ўта ошиб кетишига олиб келади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Базель стандартлари тижорат банклари фаолиятига оид маълумотларнинг ошкоралигини таъминлашга қўйиладиган талабларни кучайтириш йўли билан бозор интизомини рағбатлантириш ва ижро интизоми бўйича талаблари ҳам республикамизнинг банк назорати тизимига жорий қилиниши лозим. Ушбу талабни бажариш орқали, эълон қилинаётган маълумотлар бозор иштирокчиларига банк фаолиятининг рискка таъсирчанлик даражаси, капитални етарлилиги ва рискларнинг даражаси ҳақида хулосалар чиқариш имконини беради.

Мақолада тижорат банклари капиталидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмларини таҳлил қилинди. Натижада тижорат банклари молиявий операцияларининг банк фаолиятига салбий таъсирини камайтириш масалалари ҳамда банк капитали етарлилигини ошириш мақсадида рискларни камайтириш бўйича рискларни баҳолаш методологияси ишлаб чиқилди. Шунингдек тижорат банкларида банк капитали учун ресурс базасини кўпайтириш, муаммоли кредитларни олдини олиш бўйича масъул ходимларнинг иш фаолиятини баҳолаш орқали рискларни камайтириш методологияси ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий этиш учун таклиф этилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” (янги таҳрири) қонуни. 2019 йил 5 ноябр, ўрқ-580-сон. <https://lex.uz/docs/4581969>;
2. «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги» низом 2693-6 сон, 06.07.2015 йил;
3. Ўзбекистон республикаси президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган ўзбекистон республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” пф-5992-сон фармони;
4. A.Ergashev. Legal basis and foreign experience in assessing the capital of commercial banks International Scientific Journal Theoretical & Applied Science p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2022 Issue: 04 Volume: 108 Published: 08.04.2022 <http://T-Science.org> 82-86 p
5. A.Ergashev. Influence of key macroeconomic indicators on credit and deposit policy of commercial banks ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 IMPACT FACTOR: 7.603 Vol 11, Issue 04,2022. 53-65 p.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 5/6 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).